



# Бунёдкорлар халқимизни хушнуд қилишмоқда

**Соҳибқирон Амур Темур бобомизнинг «Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг», деган эътирофи орадан қанча вақтлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотган эмас. Аксинча, халқимизни йиллар давомида исқанжага олган мудроқлик ҳам бобомизнинг сўзларини шууримиздан суғуриб ташлолмади. Эътироф этиш кераки, истиқлол берган эпкинлар туфайли юртимизда бошқа соҳалар қаторида бунёдкорлик ишларига ҳам йилдан-йилга катта эътибор қаратилмоқда.**

Айниқса, сўнгги йиллардаги бунёдкорлик йўналишида олиб борилаётган ишларни аср мўъжизасига қиёслаш мумкин. Ислохотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бугун нафақат шаҳарларимиз, балки республикамизнинг энг чеккадаги қишлоқлари ҳам чирой очиб, бу жойларда умргузаронлик қилаётганлар истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, бугундан кўра, эртага янада яхшироқ яшаб, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда. Амир Темур бобомиз айтганидек, бунёдкорлик ва ободончилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ана шунинг учун ҳам бир пайтлар бизга ақл ўргатиб, зўғум ўтказганлар бугун юртимиз-

га ташриф буюриб, янги Ўзбекистонни қўриб, ҳайратдан лол қолишяпти, интилувчан, ташаббускор, бунёдкор халқимизнинг ҳар соҳадаги жасоратиға тан беришмоқда.

Пойтахт вилоятининг Янгийўл тумани бунёдкорлари ҳам ислохотлар яратаётган имкониятлар шарофати билан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини жадаллаштириб, бу жойда яшовчиларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларга қулай шароитлар ҳозирлашга алоҳида эътибор қаратаётгани боис ҳудуд кундан-кунга чирой очмоқда. Эътироф этиш жоиз, биргина жорий йилнинг ўзиде ушбу туманда эҳтиёманд фуқаролар учун бир қанча замонавий турар жойлар, мак-

таб ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари, савдо мажмуалари, техник хизмат кўрсатиш шохбачалари ва ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилгани натижасида одамларнинг талаби – эҳтиёллари қондирилгани баробарида, юзлаб ишчи ўринлари ҳам яратилди. Мазкур жараёнда иштирок этган ва янги, ҳар томонлама қулай иморатлардан фойдаланаётганларга эътибор қаратсангиз, уларнинг юз-кўзида ҳаётдан мамнунликни, бугунги дорилмон кунлардан гурурланиб, эртанги кунни учун тамал тоши қўйишга ҳаракат қилишгаётганини яққол ҳис этасиз.

Туман ҳудудиде қурилиш ва бунёдкорлик жараёни айни пайтда ҳам жадаллашса жадаллашмоқдаки, асло сусайган эмас. Чунончи, бугунги кунда ҳудуддаги умумий қурилиш объеклари сони 103 та бўлиб, шулардан янги барпо этилаётганлари 80 та, капитал таъмирланаётган объектирлар 5 та, реконструкция қилинаётганлари эса 18 тани ташкил этмоқда. Албатта, узок йиллар бир соҳаға яъни, агросаноат мажмуғиға тўлиқ ихтисослашган мазкур туманда қурилиш ва бунёдкорлиқнинг жадал кириб келиши ўз-ўзидан бўлган эмас. Мустиқиллик берган имкониятлар, қолаверса, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташаббуслари туманда яшовчиларни руҳлантириб, уларни янги

изланишлар ва ташаббуслар сари ундамоқда. Туман марказини янгилаш ва ободонлаштириш баробарида қишлоқ инфратузилмаси давлат дастури асосида ҳам бунёдкорликлар ривожлантириляпти. Ўнлаб қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги алмисокдан қолган гузарлар миллийлик талабларига мослаштирилди.

Шу жумладан, кўчаларға асфальт ётқизиляпти, замонавийлаштирилмоқда, хонадонлар табиий газ ҳамда ичимлик сув билан таъминланяпти. Бу даврда, айниқса, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти. Одамлар кунлик меҳнатдан сўнг, бўш вақтларида маҳалла гузарларида ташкил этилган кутубхоналарға келиб, ўзларини қизиқтирган тури мавзудаги китобларни ўқиб, замон билан ҳамнафас бўлишяпти. Ёшлар, айниқса бу жиҳатдан ташаббусни қўлга олишган. Улар деярли ҳар кун қизиқарли кечалар уюштиришни одат қилишган, бўш вақтлари мазмунли ўтишини ўзлари таъминлашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда бунёд этилаётган замонавий қурилишлар, уй-жойлар аввалги даврдагилардан тубдан фарқ қилади. Яъни, бажарилган барча ишлар мукаммал, пухта, ҳар жиҳатдан бардошли, муҳими, одамлар яшаши учун қулай.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлими бош-

лиғининг ўринбосари, подполковник Даврон Норматовнинг таъкидлашича, ҳудуддаги барча қурилиш ташкилотлари билан мустиқкам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ҳар бир бажарилган ишнинг ёнғин хавфсизлиғига таулуққил жиҳатлари биргаликда ҳал этилмоқда. Хусусан, бино ва иморатларда сув манбалари ташкил этилиб, ерости гидрантлари, ички ёнғин ўчириш насосларининг тўла таъминланаётгани биналарда содир этилиши мумкин бўлган олов офатидан мустиқкам асрашиға кафолатдир. Бундан ташқари, биналарнинг қурилиши жараёнида масъул ташкилотларнинг ишчи-ходимлари, раҳбарлари билан биргаликда ўтказилаётган профилактик тадбирлар ҳам кўзланган мақсадға эришишға имкон бермоқда.

Мақола аввалда айтилганидек, бугун халқимиз барча соҳалар қаторида қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ҳам бошқаларниқига ўхшамаган, кўпларға ибрат бўла оладиган янги-янги лойиҳалар устида изланишлар қилиб, қурувчиликда ўзбекона санъатимиз борлиғи, Соҳибқирон бобомиз бежизға бу масалалар бошқаларнинг эътиборини тортмаганини яна бир бора исботлашмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

**Тошкент вилоятида қурилиши якунланган кўплаб объектирларнинг Энг улуг, энг азиз байрам тантаналари кунларида аҳоли ихтиёрига топширилгани хайрли ишлардан бири бўлди.**

## Тўйға тўёна билан

Вилоятнинг туман, шаҳарларида қурувчиларимиз томонидан барпо этилган замонавий кўринишдаги ихтимой соҳаға тегишли кўплаб бино ва иншоотларнинг фойдаланишға топширилиши хурлик байрами шодиёнларига уланиб кетди.

Вилоят ҳоқимлиғи ахборот хизматидан олинган маълумотларға кўра, 2020 йил инвестиция дастуриға киритилган 30 та объектидаги пудрат ишлари учун 93 млрд 900 млн сўм маблағ йўналтирилган. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет ҳисобидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли манзилларда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Байрам кунлари Оҳангарон туманидаги «Унгут» МФИда Туркия технологияси асосида энгил кон-

шифокори Барно Содиқова. – Бунёдкорларимиз томонидан қўриб битказилган ушбу бинода эндиликда ҳудуддаги 5 та МФИда истиқомат қилувчи 14 минг нафар аҳолиға хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Поликлиникаға шунингдек, ихтимой дорихона, 10 койкани ўзида қамраб олган кундузги стационар ҳам жойлаштирилган. Эътиборли жиҳати, пандемия даврида аҳолининг мурожаатларини қабул қилиш учун бу ердаги онлайн патронаж хонаси мобил алоқаси билан таъминланган. Мутахассисларнинг туну кун навбатчилиғи ташкил қилинган.



струкцияли 2 қаватдан иборат бўлган инновацион МТТ қўриб битказилди.

– Мактабгача таълим инсон ҳаётидаги муҳим босқич ҳисобланиб, кичкинтойларнинг ҳали кичик ёшидан бошлаб мактабға сифатли тайёрлаш жараёни биз педагоглардан катта билим ва тажриба талаб этади, – дейди Оҳангарон тумани мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари Суғдиёна Норпулатова. – Бу каби шароитларда фаолият юритиш барчамизға фахр бағишлайди. Бугунги кунда таълимнинг барча босқичи, жумладан, бошланғич таълимни ривожлантириб, унинг моддий-техник базасини мустиқкамлашға ҳамда маънан эскирган биналар ўрниға янги ва замонавий, шинам ҳамда барча қулайликларға эга бўлган иншоотлар қурилишиға катта эътибор қаратилмоқда. Оҳангарон тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфида 27 та МТТ мавжуд бўлиб, маҳаллий бюджет томонидан 5 та, давлат инвестиция дастури асосида эса 2 та МТТ қад кўтарди. Мазкур муассасаларнинг ўқув-қўлланмалар билан жиҳозланиши ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида туман бўйича бочча ёшидаги болаларнинг қамрови йил бошидаги 17 фоиздан 57 фоизға етди.

Яна бир янги иншоот «Телов» МФИда қад ростлади. 100 ўринға мўлжалланган 13-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасининг қурилишиға маҳаллий бюджетдан 2 млрд 400 млн сўм маблағ сарф қилинди.

– Авваллари қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳудудда яшовчи аҳоли 25 километр узокликдаги тиббиёт муассасасиға даво истаб боришларига тўғри келарди, – дейди қишлоқ оилавий поликлиникаси

Тошкент харбий округи Ангрэн умумқўшин тоғ полигонининг янги биноси байрам арафасида фойдаланишға топширилди.

Қисқа муддат ичиде замон талабларига мос равишда капитал таъмирланган мазкур объект замонавийлиғи билан ажралиб туради. Мудофаа вазирлиғи томонидан ўтказилган замонавий спорт майдони, ётоқхона, 500 кишиға мўлжалланган ошхона, дам олиш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналарининг барчаси замон талабларига мос равишда барпо этилиб, керакли ўқув-моддий база ва зарур техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Маросим давомида иштирокчилар учун кўргазмали машғуллар ҳам ўтказилди. Бунда юрт ҳимоячилари ўқув жойларида турли мураккаб машқларни бажариб, юқори жангвор тайёргарлик ва маҳоратға эга эканликларини намойён этишди. Бунёдкорларимиз томонидан барпо этилган ушбу иншоот келгусида мустақил Ўзбекистонимизни муносиб ҳимоя қиладиган минглаб жасур ва март ўшорларнинг касбий тайёргарлиғини оширишға, профессионал юрт ҳимоячилари сафини янада кенгайтиришға хизмат қилиб, у чинаккам малака ва тажриба мактабига айланади.

Ўз мухбиримиз.

## Янги уй калитлари топширилди

**Анджон шаҳрининг «Ҳамкорлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиде ички ишлар ҳамда миллий гвардия ходимлари учун ҳар бири 30 хонадондан иборат 3 та беш қаватли уй фойдаланишға топширилди.**

Бу юртимиз мустиқиллигининг 29 йиллиғи байрамида соҳа ходимлари учун ажойиб туҳфа бўлди.

Янги уй калитларини ўз эгаларига топшириш маросимида вилоят ва Анджон шаҳри ҳоқимликлари мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳоқими, вилоят ички ишлар ҳамда Миллий гвардия вилоят бошқармаси раҳбарлари сўзға чиқди.

**Суратда:** фойдаланишға топширилган уйлар.

ЎЗА фотомухбири  
Зухриддин УМУРЗОҚОВ  
олган сурат.



## Аҳолиға байрам туҳфалари

**Аҳолиға хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий кўринишдаги Давлат хизматлари марказлари сони кун сайин ортмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиғи томонидан хизмат кўрсатиш жараёнлари янада яхшилаётгани эътиборға молик.**

Фуқароларға қулайликлар яратиш, тизимнинг инфратузилмасини янада ривожлантиришға қаратилган ишлар самарасида бугунги кунға қадар юртимиз ҳудудиде 96 та инновацион ДХМ биналари янгидан қурилиб, фойдаланишға топширилди.

Мамлакатимиз мустиқиллигининг 29 йиллиғи кунлари Жиззах шаҳрида ДХМнинг янги биноси тантанали равишда очилди. Ўз номиға монанд бўлган Обод маҳалласида ҳудудға кўрк бағишлаб турган янги иморатнинг қад ростлаши аҳолининг кайфиятини кўтарди.

Тантанали тадбирда Жиззах вилояти ҳоқимлиғи мутасаддилари, Давлат хизматлари агентлигининг масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, байрам тилакларини билдиришди. «Нодира-Шаҳноза» МЧЖ қурувчиларининг меҳнатлари эътироф этилиб, уларға эсдалик совғалари ва ташаккурнома топширилди.

– Марказда яратилган шарт-шароитлар билан танишиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, аввало, объект жуذا ҳам қулай жойда, замонавий андозалар асосида қад кўтарган, – дейди меҳнат фахрийси Маҳкам Юсупов. – Кираверишингиз билан кенг ва ёруғ хоналардан,

яратилган шароитлардан дилингиз яйрайди. Бу эса, табиийки, қурувчиларимизнинг диди ва маҳоратидан дарак беради. Ўрнатилган жиҳозлар, қулайликлар биринчи навбатда аҳолининг оғирини энгил қилади.



Жиззах шаҳар ДХМнинг янги биноси давлат хусусий шерикчилик асосида бунёд этилиб, барча марказларда бўлгани каби ушбу бинода ҳам Президент Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси,

фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқиш хонаси, сўғурта, банк, кутиш зали, инвесторлар билан музокара олиб бориш хонаси, 250 ўринға мўлжалланган анжуманлар зали, болалар майдончаси мавжуд. Эндиликда марказда ходимлар томонидан аҳолиға 130 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши учун имкониятлар яратилган.

Маълумотларға қараганда, Жиззах шаҳар Давлат хизматлари маркази жорий йилнинг ўтган даврида аҳолиға қарийиб 30 776 та хизмат кўрсатди. Асосий мурожаатлар электрон рақамли имзо калити, кадастр паспортини тайёрлаш, табиий газ ҳисоблагични қиёсловдан ўтказиш, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига

ект маҳобатини янада оширади. 6 қаватли ушбу объектирнинг биринчи қавати, яъни 2 минг квадратни ўзида мужассам этган майдонда ДХМ бинонинг юқори қаватларида эса дўконлар, кўнгилочар масканлар ва аҳоли турар жойлари ўрин олган.

\*\*\*

Мустиқиллигимизнинг 29 йиллиғи байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир тумани Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишға топширилгани халқимизға байрам совғаси бўлди.

– Янги марказнинг бунёдкорлик ишлари «Меъмор Ҳўжайли» МЧЖ қурувчилари томонидан олиб борилади, – дейди Давлат хизматлари агентлиғи Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими бошлиғи Сайёра Бекмуратова. – Илгари Давлат хизматлари маркази кичик бинода, хоналар ва кутиш заллари анча тор бўлгани боис хизмат кўрсатишда ноқўлайликлар туғдирар эди. Ушбу яратилган шароитларнинг ҳаммаси туманда истиқомат қилаётган 40 мингдан зиёд аҳолининг давлат хизматларидан самарали фойдаланишларига қаратилган бўлиб, эндиликда замон талабларига жавоб берадиган бундай кўркам иншоотда халқимиз учун сидқидилдан хизмат кўрсатилишиға эришилди.

Миллийлик ва замонавийлик акс этган янги бино ўзгача дизайн талабларига асосан барпо этилган. Залда ўрнатилган мониторларда 140 дан зиёд давлат хизматини олиш тартиблари ташриф буюрувчиларға тақдим этиб борилади. Шунингдек, бинода туман ФХД ва адлия бўлимлари, нотариус, тумандаги Президент Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси жойлашган. Маълумотларға кўра, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида туман давлат хизматлари маркази томонидан жами 14 100 та хизмат кўрсатилган. Давлат хизматлари агентлиғи хизмат кўрсатиш сифатини ва шаффофлиқини ошириш мақсадида бу каби янги марказларнинг сонини кенгайтиришни мақсад қилган.

Бир сўз билан айтганда, Мустиқиллик байрами муносабати билан ҳудуд аҳолисиға эндиликда шинам ва замонавий бинода хизмат кўрсатилади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

**БАРЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

T/p	Бажариладиган иш номи	Бажариладиган ишнинг бошланғич нархи, сўмда	Муддати
1.	«ШНҚ 2.09.17-XX. Генеральные планы промышленных предприятий» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	81 019 138 сўм ҚҚС билан.	200 кун
2.	«ШНҚ 3.04.01-87. Изоляционные и отделочные покрытия» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	161 535 050 сўм ҚҚС билан.	200 кун
3.	«ШНҚ 4.01.01-04 қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив ҳужжатлар тизими» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	16 607 823 сўм ҚҚС билан.	75 кун
4.	«ШНҚ 4.02.00-04. Экономические нормативы» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	30 883 864 сўм ҚҚС билан.	75 кун
5.	«ШНҚ 4.02.11-04. Пoles» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	32 598 622 сўм ҚҚС билан.	75 кун
6.	«ШНҚ 4.02.12-04. Кровли» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	29 324 089 сўм ҚҚС билан.	75 кун
7.	«ШНҚ 4.02.13-14. Защита строительных конструкций и оборудования от коррозии» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	36 361 787 сўм ҚҚС билан.	75 кун
8.	«ШНҚ 4.02.26-07. Теплоизоляционные работы» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	34 620 167 сўм ҚҚС билан.	75 кун
9.	«ҚМҚ 2.03.11-96 «Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш» тўғрисидаги йўриқнома» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш.	81 949 775 сўм ҚҚС билан.	75 кун
10.	«ҚМҚ 2.05.04-97 Метрополитенлар» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	111 685 412 сўм ҚҚС билан.	200 кун
11.	«ҚМҚ 2.05.05-96 Темир йўл ва автомобил йўллари туннеллари» тўғрисидаги йўриқнома қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	30 883 799 сўм ҚҚС билан.	75 кун
12.	«ҚМҚ 2.05.08-97 Аэродромлар» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	91 930 763 сўм ҚҚС билан.	200 кун
13.	«ҚМҚ 2.06.01-97 Гидротехника иншоотлари. Лойиҳалаштиришнинг асосий низомлари» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	72 468 499 сўм ҚҚС билан.	75 кун
14.	«ҚМҚ 3.03.07-98 Производство изделий из ячеистых бетонов» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	101 273 578 сўм ҚҚС билан.	200 кун
15.	«Разработка ШНҚ. 2. 01. 22-XX Восстановление и антисейсмическое усиление зданий и сооружений существующей застройки (новое)» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	392 081 581 сўм ҚҚС билан.	200 кун
16.	«ШНҚ 4.02.22-05 «Водопровод – наружные сети» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	78 512 405 сўм ҚҚС билан.	75 кун
17.	«Разработка дополнений и изменений к ресурсным сметным нормам ШНҚ. Дополнение 13» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	73 881 914 сўм ҚҚС билан.	75 кун
18.	«ШНҚ 1.03.02-04 Худудларни ривожлантириш ва қурилишнинг режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	75 340 986 сўм ҚҚС билан.	75 кун
19.	«ШНҚ 1.02.09-15 Қурилиш учун муҳандислик геология изланишлари» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	110 117 713 сўм ҚҚС билан.	200 кун
20.	«ШНҚ 2.02.03 – 13 Қозилқой пойдеворлар тўғрисидаги йўриқнома» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	100 633 698 сўм ҚҚС билан.	200 кун
21.	«ШНҚ 2.04.13-99 Котельные установкки» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	91 609 445 сўм ҚҚС билан.	200 кун
22.	«ШНҚ 2.04.09-07 Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тўғрисидаги йўриқнома» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	109 953 435 сўм ҚҚС билан.	200 кун
23.	«ШНҚ 2.06.11-04 «Сейсмик туманларда қурилиш. Гидротехника иншоотлари» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	73 324 403 сўм ҚҚС билан.	75 кун
24.	«ШНҚ 2.09.10-07 Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналар» қоидалар тўпламини қайтадан ишлаб чиқиш	49 362 179 сўм ҚҚС билан.	75 кун

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган техникавий ҳамда меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва илмий малакага, молиявий ҳамда моддий имкониятларга, шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик ва тажрибали бўлишлари, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қардорликнинг мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларида мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари

қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Иштирокчилар ўз қорхоналарини талабгорлар рўйхати киритиш ҳамда танловда қатнашиш тўғрисидаги сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этишлари лозим:** Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-«а» уй. Тел.: (71) 244 12 17. E-mail: [tender\\_tash@bk.ru](mailto:tender_tash@bk.ru)

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-«а» уй, 705-хона манзилда [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичигида қабул қилинади.

Оферталарни очиб [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 10 кундан кейин амалга оширилади.

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

T/p	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, Питнак шаҳри, Муҳаббат маҳалласи ҳудудида молия бўлимига маъмурий бино қурилиши	2 161 285 530	90

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачи:** Хоразм вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй. Тел.: 62-223-09-29.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан**

тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича иш кунлари 9.00 дан 18.00 гача мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

Тел.: 62-228-51-99.

Тел.: 62-228-51-99.

Тел.: 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 11 сентябрь кун, соат 10.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

Таклифларни очиб қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 11 сентябрь кун, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Эълон [daxarid.uzex.uz](http://daxarid.uzex.uz) сайтида берилган.

**СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ**

**Республика Узбекистан**

**Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»**

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования: Истисна'а**

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-03**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Республики Узбекистан.

Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с правилами и процедурами закупки ИБР ООО ИК «Кешлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1,464 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Наманганской области.

**Срок строительства составляет – 4 (четыре) месяца.**

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка Т БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

<b>Наманганская область</b>
<b>Банк:</b> филиал Юксалиш АКБ «Hamkorbank»
<b>Р/с:</b> 2021 0000 8031 9675 2001
<b>ИНН:</b> 202 393 842

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по указанному адресу в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03**

**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**

**Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»**

№ Лота	Наименование района	Наименование массива	Протяженность дороги (п.м.)	Срок строительства	Крайний срок подачи
<b>по Наманганской области</b>			<b>1464</b>	<b>4 месяца</b>	<b>21 сентября 2020 года, 15.00</b>
ИБР-103	Янгикурганский	«Водий»	402		
	Нарынский	«Бузулмас»	585		
	Чартакский	«Дустлик»	477		

**Требования к участникам конкурсных торгов**

Область	№ Лота	Требуемый среднегодовой оборот (млн сум)	Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум)	Контракты аналогичного объема и характера (млн сум)	Общий опыт работы (год)	Выполнение земляных работ в объемах по крайней мере _____ м³ в течение одного года	Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений (подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, прямки, мосты, ж/б опоры и т.д.) в объемах по крайней мере _____ м³ в течение одного года	Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог	
								общей площадью не менее _____ м²	общей протяженностью не менее _____ п.м.
Наманганская	ИБР-103	2 800,00	500,00	1 500,00	3	5 000	300	10 000	2 000

**Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига «BIGAS FELIX» МЧЖга тегишли 2020 йил 29 августдаги 89-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Уртачирчиқ тумани, «Янгилик» МФЙ ҳудудида жойлашган умумий майдони 1 881,46 квадрат метр бўлган дам олиш оромгоҳининг бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси – 3 920 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2020 йил 5 октябрь кун, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 20 октябрь кун бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказиши белгиланган кундан бир иш кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргалликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун

расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; – **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширувунга қадар, тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинади манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй. Тел.: (71) 237-23-96. Электрон почта: [kmsxuz@inbox.uz](mailto:kmsxuz@inbox.uz), [kmsxuz@mail.ru](mailto:kmsxuz@mail.ru) Веб-сайт: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz)

Хизматлар лицензияланган. RR-0001-сонли лицензия.

## ЎЗГАРАЁТГАН КАТТАҚЎРҒОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин қўлдан берганга қўш тўймас, деган гап бор. Камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага икки ой, уч ой, биринчи, олти ой ёрдам бериш мумкин. Иллар давомида уларнинг таъминоти зиммага олиб бўлмайди-ку. Шунинг учун, биринчи навбатда, камбағал оила аъзоларини иш билан таъминлаш ёки томорқасида доимий даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратишга эътибор қаратилди. Шу мақсадда туманда 14 та қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этилиб, 553 нафар кам таъминланган ҳамда ишсиз фуқарога 30-50 сотихдан, жами 161,4 гектар ер майдони узоқ муддатли ижарага берилди. Бандлик жамғармасидан 804 миллион сўм субсидия ажратилиб, қулпнай, ток ва бошқа сердаромад экинлар экилган ҳолда ерлар ажратилди. Бундан ташқари, лалми майдонларда деҳқончилик қилиш учун электр энергияси тортилиб, артезиан қудуқлари қазилди.

Кооператив ташкил қилиб, шу ҳудудда бизга ажратилган 10,2 гектар ер майдонини 20 та камбағал оилага бўлиб бердик, — дейди «Қўшқовуз экспорт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Талъат Олимов. — Бу ерда 2 та артезиан қудуғи қазилди. Токзор барпо этдик. Фуқароларимиз ток ораларида қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар экиб, ўртача 8-10 миллион сўм даромад олмақда.

Кенг дашт ўртасида ям-яшил бўлиб ажралиб турган жой ана шу кооперативга ажратилган ер майдони. Баҳорда экилган ток қаламчалари қатор бўлиб, кўзга кўриниб қолган. Қатор орасида эса экилмаган экиннинг ўзи йўқ — қовун-тарвуз дейсизми, картошка, сабзи-пиёз, помидор-бодиринг, ошқовоқ-у маккажўхори, мош-ловия, хуллас ҳар бир ер эгаси аввало, рўзғори учун, қолаверса, бозор-боп экин парваришляпти.

— Шу пайтгача четга бориб ишлаб келардим — дейди Жамолддин Рўзимуродов. — Бу йил шу имконият ҳам йўқолди, ишсиз қолиб, рўзғор тебратишда анча қийналдик. Шундай пайтда ток кўчати экилган 50 сотих ер ажрати берилиши, жонимизга оро кирди. Қатор ораларида қовун-тарвуз, картошка, маккажўхори ва бошқа маҳсулотлар экиди. Уч ой олдин эккан қовунларимиз ҳозир пишиб етилди. Бир тоннага экин картошка ҳосили олди. Шукр, рўзғоримиз ўтпти, меҳнатимизга яраша даромад қиялпимиз. Ака-укаларим билан маслаҳатлашдик, яна 50 сотих ер олиб, деҳқончилик қиламиз.

Яна бир янги ер эгаси Саъдулла Рўзиев 14 километр масофадан шу даштга қатнаб, деҳқончилик қиялпти. Лекин бундан нолимади, аксинча, ишли бўлганидан хурсанд.

— Тўриси, сувсиз, лалми шу жойдан ер ажратила бошланганда туманимиз ҳокими келиб, «сув ҳам, электр энергияси ҳам келтириб берамиз, зарур бўлса, улов ҳам ажратамиз, фақат меҳнат қилиб, шу ерга меҳр берсангиз, даромад қилсангиз бас», деган эди — дейди С.Рўзиев. — Шунда ҳам кўнглимизда бироз иккиланган бор эди. Худого шукр, беш-олти ой ичида бу жойлар чиндан ҳам бўстонга айланди. Электр энергияси тортилди, артезиан қудуқлар қазилди. 50 сотих ердан ҳам яхшигина даромад қилсақ бўлар экан. Энг муҳими, ҳам ери, ҳам уловли бўлдим. Уч йиллик имтиёзли кредитга мотороллер беришди. Узоғимиз яқин бўлди, ҳам тайёр маҳсулотни уйга, ҳам бозорга олиб боришда қийинчилик йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 1 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, туманинг Қўшқовуз, Янгиобод, Мойбулоқ ва Андоқ массивидаги 400 гектардан ортиқ ер майдонини ўзлаштириш учун 17,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу ерларда ток ва бошқа кўчатлар экилиб, 800 та камбағал оилага бўлиб берилади.

Оилаларни камбағалликдан чиқариш, бугунги синовили кунларда ишсиз қолган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида йил бошидан бунён 5 минг 59 нафар фуқаро доимий даромад манбаига эга бўлди, вақант жойларга ишга қабул қилинди, кооперативлардан ер майдони ажратилди, шахсий томорқалари учун субсидиялар берилди, жамоат ишларига жалб қилинди. Натижада, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига мувофиқ 705 оила камбағаллик тоифасидан чиқарилди.

Йил якунига қадар туманда 12 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этган ҳолда пандемия даврида ишсиз қолган фуқаролар бандлиги таъминланди. Ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган 142 оиланинг 331 нафар аъзоси эса тўлиқ оталиққа олинади.

### «КУМУШ ТОЛА» ТИЛЛАГА АЙЛАНМОҚДА



Бундан уч йил олдин туманда бор-йўғи 160-180 тонна атрофида пилла етиштирилган бўлса, кейинги пайтда пиллачилик тармоғидаги ишловчи натижасида бу кўрсаткич икки баробар ошди. Каттақўрғонда ҳам илпак курти озуқа базасини кўпайтириш ва янги тутзорлар ташкил

эти ҳисобидан, шунингдек, уруғ сифатида эътибор қаратилиши туфайли биргина жорий йилда 330 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Бу қимматли «кумуш тола»ни етиштириш учун 8 минг фуқаро мавсумий ҳамда 500 дан ортиқ фуқаро доимий иш билан банд бўлди.

Қадан кўрғонидаги пиллани қайта ишловчи «Кумуш тола» хусусий корхонасида мато ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

— Шу пайтга қадар корхонамизда фақат хом ипак ишлаб чиқарилади, — дейди корхона ижрочи директори Абдулазиз Норов. — Эндиликда пишиқ ипак, мато ва матодан тайёр маҳсулотлар, шунингдек, пилла чиқиндиларидан ипакли пар кўрпа ва ёстиқлар тайёрлаш режалаштирилган. Бунинг учун 1,5 миллион доллар эвазига Жанубий Корея ва Хитойдан замонавий технологиялар келтирилган. Янги цех ишга тушгач 100 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Дарвоқе, фидокорона меҳнат доим қадр топган. Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари фармонида кўра, «Кумуш тола» хусусий корхонаси раҳбари Марям Ниязовага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони берилди.

### ЭНАМЯХШИ ҚИШЛОҒИ БОЛАЛАРИ ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАРБИЯЛАНДИ

Ҳозирги кунда туманда 53 объектда қурилиш-пудрат ишлари карантин талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу қурилиш ишларида минг нафардан ортиқ ишсизлар, асосан хориждан қайтиб келган фуқаролар ишга жалб этилди.

Туманда қурилиш ишларини жадал ривожлантириш мақсадида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 25 та корхонанинг фаолияти тўлиқ қайта тикланди.

Чекка ҳудуд ҳисобланган Энамяхши қишлоғида хусусий мактабга таълим ташкилоти биноси қурилмоқда.

— Шу қишлоқда туғилиб ўсганман, — дейди тадбиркор Сардор Рустамов. — Маҳалламиз ва яқин атрофда мактабга таълим ташкилоти бўлмаган. Узим ҳам болалигимда боғчага бормаганман. Бу менга армон бўлган. Шунинг учун қишлоғимизда боғча қуряпмиз. Қурилиш ишларига 5 миллиард 240 миллион сўм маблағ сарфланяпти. Янги муассасада 240 нафар бола шаҳардагидек қолишмайдиган шароитда таълим-тарбия олади. Хорижий тилларни ўрганайди. Шунингдек, боғча ёнидан математикага ихтисослашган хусусий мактаб ҳам ташкил этишни режалаштирганмиз.

2020 йилда туманда умумий қиймати 281 миллиард сўм бўлган 144 та лойиҳа амалга оширилмоқда ва бунинг натижасида 1 минг 258 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Мустақиллик байрами арафасида эса туманда 7 та янги мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

### ДАШТДАГИ ИССИҚХОНАЛАР



Одатда, деҳқончилик, боғдорчилик ҳақида гап кетганда ери унумдор, ариқдан сув оқиб турган жойларни тасаввур қиламиз. Аммо кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоғида замонавий технологияларнинг жорий этилиши, ишга янгича ёндашув туфайли сувсиз, тошлоқ жойларда ҳам боғлар яратиш, иссиқхоналар ташкил этиб, мўмай даромад олиш мумкинлиги амалда исботланмоқда.

Жумладан, Каттақўрғоннинг дашт ҳудудларида иссиқхоналар сони ортиб бормоқда. «Маранда инвест» масъулияти чекланган жамиятининг 4 гектарлик иссиқхонаси айнан шундай, шу пайтгача фойдаланилмаган, кенг даштда ташкил этилган.

— Иссиқхона жойлашган ҳудуднинг тупроғи яхши, — дейди «Маранда Инвест» МЧЖ иш юритувачиси Мухаммад Юсупов. — Суғорилмайдиган, шу пайтга қадар самарали фойдаланилмаган ер бўлгани сабаб ҳам иссиқхона учун айнан шу жойни танлаганмиз. Ўтган йил Хитой технологияси асосида ташкил этилган иссиқхонада томчилатиб сугориш орқали помидор ва бодиринг етиштирилди. Ҳар бир гектар ердан ўртача 20 тоннадан ҳосил олдик. Бу йил ҳосилдорлик яна ҳам юқори бўлиши кутуляпти. 40 дан зиёд кишини иш билан таъминлаганмиз.

Яна бир эътиборли ташаббус — Каттақўрғонда лимончилик кластери ташкил этилмоқда. Айни пайтда туманда аҳоли хонадонларида 1 минг 650 та илпак иссиқхона ташкил этилиб, лимон кўчатлари экилган. Лимончиликни ривожлантириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида «Турон банк» ва «Микрокредитбанк» кредитлари ҳисобига яна 1 минг 100 дан зиёд хонадонга 2-3 сотихли ҳамда 50 нафар тадбиркорнинг ҳар бирига 1 гектардан 50 гектар лимонарий куриб берилмоқда. Бу, ушбу тармоқнинг ўзига 2 минг 500 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш имконини беради. Ушбу иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулот лимончилик кластери томонидан сотиб олинади ва экспортга йўналтирилади. Шунингдек, лимон мураббоси тайёрлаш йўлга қўйилади.

### ОЛИС МАНЗИЛЛАРГА РАВОН ЙЎЛЛАРДАН БОРИЛАДИ



Аъзамхон Баҳромовнинг айтишича, туманга раҳбар бўлиб келаётганда йўлларнинг носозлигидан автомашинасининг балонини икки марта алмаштиришга тўғри келган.

— Ушунда йўлларни таъмирлашни олдимдаги энг асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланганим, — дейди туман ҳокими. — Афсуски, туман йўл хўжалиги корхонасида бунинг учун на бир замонавий техника, на малакали мутахассис бор экан. Шунинг учун биринчи навбатда, кредитга бўлса-да йўл қурилиши учун энг замонавий техникаларни сотиб олдик. Аввало, туманга келадиган барча йўлларни таъмирлашга киришдик. Кейин ички йўлларга ўтдик.

Маълумотларга кўра, кейинги уч йилда туманда йилга 100 километр йўл асфальт қилинмоқда. Натижада, энг чекка ҳудудларда 30-40 йиллардан бери таъмирланмаган йўллар равланмоқда.

— Илгари бу ташкилотни раҳбарлар ҳам, аҳоли ҳам четлаб ўтган, — дейди «Каттақўрғон йўллардан фойдаланиш» давлат унитар корхонаси раҳбари Яздон Рустамов — Ишчилар кетиб қолган. Пули, техникаси бўлмаган ташкилот кимга ҳам керак дейсиз? Мен ҳам туманимиз ҳокими «техника олиб берамиз, ёрдам қиламиз», деб шу вазифага ишга тавсия қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам, 2018 йилдан янги техникалар келтирила бошланди. Ҳозирги кунда йўл қуриш, таъмирлаш учун керакли барча техникаларимиз бор.

Йил бошидан бунён 17,5 миллиард сўм маблағ эвазига туманимиз ҳудудидаги 100 километрга яқин йўл асфальт қилинди. Яқинда туманимиз ҳудудидаги Иштихон тумани билан Навоий вилоятининг Хатирчи туманини боғловчи 83 километрлик йўлнинг 13 километрга асфальт ётқиздик. Шу йўлнинг 12 километри ўтган 2019 йилда таъмирланган эди. Тўғри, ҳали кўп ички йўлларимиз таъмирталаб. Шу пайтгача асосий йўлларни соғлаб олдик, энди асосий эътиборни ички йўлларга қаратамиз.

### КАТТАҚЎРҒОННИ КАТТАҚЎРҒОНЛИКЛАР БИЛАН ОБОД ҚИЛАМИЗ

Яна қўлимиздаги маълумотларга кўз югуртираемиз. Жорий йилнинг 1 август ҳолатида туманда давлат рўйхатидан ўтган юридик корхоналар 4 минг 13 та бўлиб, ўтган йилга нисбатан 597 тага ошган. Кичик бизнес субъектлари эса 1 минг 609 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 524 тага кўпайган.

Президентимизнинг 2020 йил 16 июндаги «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида умумий қиймати 17,4 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Худудий дастурлар бўйича бу йил туманда умумий қиймати 281 миллиард сўм бўлган 144 та лойиҳа амалга оширилмоқда ва бунинг эвазига 1 минг 258 та янги иш ўрни яратилади. Шу пайтгача бу лойиҳаларнинг салмоқли қисми амалга оширилган. Жумладан, «Каттақўрғон монтаж қурилиш» корхонаси томонидан йиллик қуввати биринчи босқичда 1 минг 200 донга бўлган замонавий трансформаторлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушурилди. 15 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан 45 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Туманда 2020 йилда бюджет даромадлари бўйича белгиланган 126,4 миллиард сўмлик прогноз кўрсаткичлари январь-июль ойлари якуни билан 64,1 миллиард сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, режа 4,1 миллиард сўм ортиғи билан бажарилди.

— Бу йил юзага келган пандемия бутун дунё халқлари ҳаётини издан чиқарди, кўп давлатлар иқтисодий, аҳоли турмуш тарзи пасайиб кетди, — дейди туман ҳокими, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Аъзамхон Баҳромов. — Ана шундай мураккаб вазиятда Президентимиз томонидан қўрилган чора-тадбирлар туфайли халқимиз бу синовдан кўп талафот билан чиқиб таъминланмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари учун кенг имтиёз ва имкониятлар яратилиши бунда муҳим омил бўлди. Яна бир эътиборли томони — «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилиши, «темир дафтар»ларнинг ташкил этилиши бўлди. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд қатлами пандемия шароитида ҳам оғир вазиятга тушмай ҳаёт кечирди. Туманимиз аҳли ҳам шу шароитда ишлаш ва яшашга ўрганди. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдалансақ, интильсак иш ўрни яратиш, қишлоқларимизни обод қилиш, халқимиз турмуш даражасини ошириш мумкин экан. Бунинг барчаси бирлик-ҳамжиҳатликда, меҳнат-севарлик ва юртга меҳр-муҳаббатда, эртанги кунга қатъий ишонч ва олдимишга қўйган мақсадлар сари астойдил ҳаракат қилишда эканлигини халқимиз англаб етди. Бугун эришганларимиз биз учун ҳали марра эмас. Олдимишга жуда катта мақсадлар қўйганмиз ва улarga етиш учун доимий ҳаракатда бўламиз. Туманимизни шижоатли, бунёдкор каттақўрғонликлар билан бирга ривожлантиришимиз, янада обод қиламиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган даврда барча соҳалар қатори энергетика йўналишида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида, хусусан, чекка-чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича ташвишга солаётган муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда.

## БОҒОТДА ЯНГИ БИНО Фойдаланишга топширилди



Электр энергияси истеъмолчиларига замонавий хизмат кўрсатишда эса, ўз навбатида, тизимда янги қурилиш, модернизация ва реконструкция ишларини бир маромда амалга ошириш муҳим саналади.

Шу маънода кунни кеча фойдаланишга топширилган Богот тумани электр таъминоти корхонасининг янги биноси ҳам, ҳеч муболагасиз, инновацион ечимлар асосидаги хизмат турларини тақдим этиш имкониятларини кенгайтириб, соҳада ижобий ютуқларга эришиш йўлида истеъмолчи ва ишчи-ходимларга бирдек қулай шароитлар яратди, дея бемалол айтиш мумкин.

Бугун Богот тумани ҳудудида жойлашган 43 та маҳалла, 30 409 та маиший ва 1 421 та улгуржи, электр энергияси истеъмолчиларига, корхонанинг

— Янги мажмуада яратилган шароитлар, мавжуд техник ва технология ускуналар имконияти, қолаверса, муҳандис-техник ва ишчи-ходимлар, корхона мутахассисларини ўқитиш, оператив-диспетчерлик хизмати томонидан амалга оширилаётган энергия таъминотининг автоматлаштирилган бошқарув тизими, маънавият ва маърифат каби хоналар иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, — деди у. — Шу билан бирга, бу ерда истеъмолчиларини қабул қилиш хонаси, касса хизматлари ва бошқа хизмат турлари кўрсатиш учун керакли барча шароитлар яратилган. Умид қиламанки, замонавий ечимлар асосида бунёд этилган мазкур янги бино Богот тумани аҳлига узоқ йиллар давомида хизмат қилади.



65 та ишчи-ходими хизмат кўрсатишда. Бундан ташқари, улар томонидан тумандаги 4 та нимстанция, 43 та фидер, 1 259,634 километр узунликдаги электр узатиш тармоқларида эксплуатация ишлари олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа қиймати 2,46 млрд сўм бўлган мазкур бино қурилишида сўнги турдаги замонавий қурилиш материаллари, хусусан, маиший коммуниқацияларни ўтказишда энергiateжамкор технологиялардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, бу ерда асосий бинодан ташқари ўқув майдони, машиналар турар жойи ҳамда омборхоналарда барча зарур шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берилган.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раисининг Капитал қурилиш бўйича ўринбосари Дилшод Носировнинг таъкидлашича, қурилиш жараёнлари пухта режа асосида ишлаб чиқилган.

Дилфуза ҲАБИБОВА,  
«O'zbekiston bunyodkori»  
мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридagi Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Алишер Тураповга отаси Раҳимдjon Тураповнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.